

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРФОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИДА ВИЛОЯТ СЕКТОРЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги олтмиш саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят Кенгashi депутатлари, вилоят ҳокимининг тегишли ўринbosарлари, кун тартибига киритилган масалаларга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгashi раиси Хайрулло Бозоров олиб борди.

Сессияда вилоятни ишсизлик ва коррупциядан холи ҳудудга айлантириш ҳамда “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш юзасидан 2024 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан секторлар раҳбарларининг ҳисботлари эшитилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ўз ҳисботида таъкидлаганидек, Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 9 январдаги “Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги қарори ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш мақсадида жорий йилда вилоятимизда 328,5 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича соҳалар, йўналишлар ва ойлар кесимида режалар тасдиқлаб олинган бўлиб, 15 май кунига 107 минг нафардан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланди, белгиланган режа-график ҳозирги кун ҳолатига, 9 фойзга бажарилди.

Бу борада ҳудудларда ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари билан бир қаторда оиласи тадбиркорликни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутаётганини қайд этган вилоят ҳокими, хонадонида атиргулчилик, кўчатчилик билан шуғулланиб йилига 200-300 млн. сўм даромад топаётган оиласи мисол қилиб келтирди. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрликлари натижасида юртимизда аҳолининг тадбиркорлик ташабbusларини молиявий қўллаб-куватлашга катта молиявий манбалар йўналтирилаётганига эътибор қаратган вилоят ҳокими, Фарфонада азалдан мавжуд бўлган оиласи тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда маҳаллаларининг тадбиркорликка ихтисослашувини кенгайтириш учун катта имконият ва шароит мавжудлигини таъкидлади.

Аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлашда ёшларга сифатли таълим бериш ҳамда замонавий касб-хунарларга ўқитишга вилоятимизда алоҳида эътибор қаратилаётганига тўхталган вилоят раҳбари, ривожланган давлатлар меҳнат бозорида ҳам малакали кадрларга эҳтиёж юқори эканини, чет давлатлар фуқароларимизга юқори маош тўланадиган, яхши шароитларга эга иш ўринлари таклиф этишаётганини таъкидлаб, хорижда меҳнат фаолияти олиб бориш истагида бўлган фуқароларнинг касбий билим ва тил кўникмаларига эга бўлиши муҳимлигини қайд этди.

Вилоят бўйича маҳаллаларга бириктирилган банклар ва ҳоким ёрдамчилари томонидан танлаб олинган 6 438 та кам даромадли хонадонларга даромад манбасини шакллантириш учун кўмак берилиб, 13 857 нафар аҳолининг бандлиги таъминлангани маълум қилинди. Ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан 88 млрд. сўмдан зиёд кредит ва 3,2 млрд. сўмлик ҳомийлик маблағлари йўналтирилди.

Бизнесни ривожлантириш банки инструментлари асосида ташабbusкорларга 1 минг 437 та микролойиҳалар учун 129,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. “Бизнесга биринчи қадам” дастури доимий даромадга эга бўлмаган жисмоний шахслар учун банклар томонидан 17 млн. сўмгача бўлган миқдорда 4 минг 422 нафар фуқароларга жами 33 млрд. сўм гаровсиз кредит ажратилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, вилоят ИИБ бошлиғи Азизбек Икрамов, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилмурод Бакубаевнинг ҳисоботлари ҳам депутатларга тақдим этилди.

Сессия давомида вилоятимизда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, "Худудгаз Фарғона" газ таъминоти филиали, "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ, вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси раҳбарларининг ҳисоботлари ҳам эшитилиб, электр, газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва йўлларни таъмирлаш юзасидан мутасадди ташкилотларнинг жорий йил якунига қадар ҳар бир шаҳар ва туман кесимида режа-жадваллари муҳокама қилинди. Бу борада аҳоли мурожаатлари кўп тушаётган ҳудудларда вилоят Кенгаши депутатлари иштирокида қўшимча ўрганишлар ўтказилиши белгиланди.

Кўрилган масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида ҳалқ депутатлари вилоят кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-18 18:27:51